

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020. К/Т. 104.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АГЗАМОВА МАНЗУРА АДҲАМОВНА

***ASTRAGALUS* ТУРКУМИГА ОИД ЎСИМЛИКЛАРНИНГ
ТРИТЕРПЕНОИДЛАРИ: ТУЗИЛИШИ, КИМЁВИЙ
МОДИФИКАЦИЯСИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)

Агзамова Манзура Адхамовна

Astragalus туркумига оид ўсимликларнинг тритерпеноидлари:
тузилиши, кимёвий модификацияси ва биологик фаоллиги..... 3

Агзамова Манзура Адхамовна

Тритерпеноиды растений рода *Astragalus*: структура, химическая
модификация и биологическая активность..... 31

Agzamova Manzura Adkhamovna

Triterpenoides of *Astragalus* genus plants: structure, chemical modification
and biological activity..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/30.01.2020. К/Т. 104.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

АГЗАМОВА МАНЗУРА АДҲАМОВНА

***ASTRAGALUS* ТУРКУМИГА ОИД ЎСИМЛИКЛАРНИНГ
ТРИТЕРПЕНОИДЛАРИ: ТУЗИЛИШИ, КИМЁВИЙ
МОДИФИКАЦИЯСИ ВА БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 - Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.1DSc./K51 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzicps.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Гафуров Махмуджон Бакиевич
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Раҳманбердиева Рано Каримовна
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Рахимов Дилшод Ахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги 02/30.01.2020. К/Т. 104.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўчаси 77. Тел.: 712625913, факс: (99871)1206475).

Диссертация билан Ўсимлик моддалар кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент, Мирзо Улуғбек кўчаси 77., Тел.: 712625913, факс: (99871)1206475).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., катта илмий ходим

С.Ф. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.

Ҳозирги кунда халқ табобатига бўлган қизиқиш, уни ҳаётга кенгрок тадбиқ этиш йўлидаги интилишлар янада кучайиб бормоқда. Шифобахш гиёҳлар ва улардан тайёрланган доривор воситалари организмга асоратсиз таъсир этиши билан тавсифланади. Шунинг учун ўсимликлардан табиий фаол бирикмаларни ажратиб олиш ва уларнинг таъсир этиш механизмини ўрганиш бўйича изланишлар олиб бориш замонавий фан соҳасининг муҳим масалаларидан биридир.

Маҳаллий ўсимлик хом-ашёси асосида аҳолини юқори самарали, импорт ўрнини босувчи дори воситалари билан таъминлаш давлат аҳамиятига эга бўлиб, Ўзбекистон флораси ўсимликларидан биологик фаол моддаларни излаб топиш ва улар асосида доривор воситалар ҳамда биопрепаратларни яратиш муаммоси долзарб ҳисобланади.

Маълумки, жаҳонда юрак қон томир касалликлари кўп тарқалганлиги ва инсон ҳаётига хавфлилиги бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ушбу касалликларнинг кўпчилиги (стенокардия, юракнинг ишемия касаллиги, юрак инфаркти, нейроциркулятор дистония) миокардда бўлгани каби қон томирларида ҳам моддалар алмашинувининг бузилиши билан кечади.

Шунинг учун мазкур касалликларни даволаш мақсадида янги гуруҳ доривор моддалари – кардиопротекторлар қўлланилади. Улар организмда бузилган моддалар алмашинуви жараёнларини меъёрлаштиради. Бу нуқтаи назардан кардиотоник, гипотензив, диуретик, седатив, оғриқ қолдирувчи ва гиполипидемик таъсирга эга циклоартан гликозидлари алоҳида эътиборга сазовор.

Ушбу синфнинг авлоди бўлган циклоартенолнинг тузилиши Бартон томонидан аниқланган даврдан эътиборан, маълум бўлган циклоартан бирикмаларининг сони 1975 йилда – 47 тани, 1984 йилда – 158 тани, 1988 йилда – 232 тани, 1996 йилда – 300 тани ташкил этди ва ҳозирги вақтга келиб уларнинг сони 900 тадан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида олиб борилаётган тритерпеноид табиатига эга ўсимлик биорегуляторларининг фундаментал тадқиқотлари шуни кўрсатдики, *Astragalus* туркумидаги ўсимликлар биологик фаол моддалар манбаи сифатида алоҳида қизиқиш уйғотади.

Циклоартан гликозидларининг асосий манбаи ҳар икки ярим шарда кенг тарқалган *Astragalus* туркуми ўсимлиги бўлиб, Россия флорасида 900 дан ортиқ, Ўрта Осиёда 600 дан ортиқ, Ўзбекистон флорасида 239 дан ортиқ турлари учрайди жумладан, 34 таси Қизил китобга киритилган.

Адабиётлардан маълумки, Хитой флорасидаги *Astragalus membranaceus* ўсимлигининг сапонинлар йиғиндиси – астрагалозидлар қатор биологик фаоллика эга бўлиб, улар патентланган ва доривор препарат сифатида кенг қўлланилади. Олиб борилган тадқиқотар Ўзбекистонда ўсадиган *Astragalus sieversianus* Pall ва *Astragalus pterochephalus* Bunge ўсимликларининг кимёвий таркиби ўхшаш эканлигини кўрсатди. Бу эса маҳаллий хом ашёдан доривор

воситаларни яратиш имконини беради. Ўрганилган фаолликлар орасида ажратиб олинган бирикмаларнинг кардиотоник хоссага эга эканлиги алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида¹ доривор ўсимликларни етиштириш, уларни қайта ишлаш, доривор субстанциялар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича механизмни жорий этиш, доривор ўсимликлар ва улардан олинадиган маҳсулотларга бўлган ички бозор талабини қондириш, шунингдек уларни экспорт қилиш, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш, уларнинг табиий плантацияларини барпо этиш йўли билан тиклаш чораларини кўриш масалалари белгилаб берилган.

Шунингдек, Президентнинг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига² асосан Ўз Р ФА ЎМКИ га етиштирилаётган доривор ўсимликларнинг сифат кўрсаткичлари ва биологик фаол моддалари миқдорлари бўйича амалдаги меъёрий техник ҳужжатлар талабларига мос келишини текширишда, ёввойи ҳолда йиғиштирилган доривор ўсимликларни морфологик-анатомик тадқиқотлар асосида аниқлашда, таркибини ўрганишда, нав ва намуналарни дориворлик моддалари бўйича баҳолашда амалий ёрдам бериш вазифаси белгилаб берилган.

Ўсимлик моддалар кимёси институти да олиб борилган тадқиқотлар натижасида *Astragalus pteroccephalus* ўсимлигидан ажратиб олинган циклосиверсиозид F гликозидининг кардиопротектор хусусиятга эга эканлиги аниқланди ва ҳозирда янги доривор восита яратиш тавсия этилган. Бу эса кўриб чиқиладиган изланишлар ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.

Диссертация иши Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди: VI. “Тиббиёт ва фармакология”, VII “Кимёвий технология ва нанотехнология”.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³

Дунёнинг ўнлаб давлатларида олимлар томонидан циклоартан тритерпеноидларининг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш

¹ Ўз Р Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли қарори.

² Ўз Р Президентининг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.sciencedirect.com, www.scopus.com, www.scholar.google.com. ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Пешқадам бешталиқ таркибига Хитой, Ўзбекистон, Япония, Туркия ва АҚШ давлатлари киради.

Жахон илмий адабиёти маълумотлари асосида ёзилган шарҳ, 200 та ўсимлик турларидан 860 та бирикмаларни ажратиб олинганлиги ҳақида маълумотларни ўз ичига олган. У иккита бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда генин табиатига эга бўлган бирикмалар, уларнинг 4-монометил ва 4,4-дезметил ҳосилалари, иккинчи бўлимда эса гликозидлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланган.

Диссертация ишининг 1 ва 2 иловаларида *Astragalus* туркумининг дунё бўйича ўрганилган ўсимлик турлари ва ажратиб олинган циклоартан бирикмалар рўйхати келтирилган.

Моносахарид қолдиқларининг мутлақ конфигурациясини хроматографик усуллар билан аниқлаш, циклоартанларни ажратиб олиш, таркибий қисмларга бўлиш шароитлари, кимёвий тузилишини тасдиқлаш усуллари ҳақида адабиётлардаги маълумотлари баён этилган.

Циклоартанлар кимёси бўйича хориж олимлари томонидан кенг илмий изланишлар олиб борилиб, бу соҳада ўзига хос мактаб яратилган. Грузияда, И.Г.Кутателадзе номидаги фармакимё институтининг к.ф.д. М.Д. Алания томонидан кўп йиллардан буён *Astragalus* ўсимликлари циклоартан гликозидларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. *A.falcatus* ўсимлигидан ажратиб олинган флавоноид гликозиди -“Фларонин» гипоазотемик препарати амалиётга тадбиқ этилган.

Туркия олимларидан Е. Bedir ва Ё. Çalış *Astragalus* ўсимлигини циклоартан қатори тритерпен бирикмаларининг кимёвий тузилиши бўйича изланишлар олиб бормоқдалар. Тадқиқот натижалари циклосиверсиозид В иммунитетни меъёрлаштириш фаоллигига эга эканлигини кўрсатди.

Япония тадқиқотчиси Ё. Kitagawa биотехнология соҳасида илмий ишларни давом эттириб, катта мактаб яратган, *A.membranaceus* ўсимлигини тадқиқ қилиб, циклоартан гликозидларини ажратиб олган ва кимёвий тузилишини аниқлаган.

Astragalus туркуми ўсимлигининг турли хил турларидан ажратиб олинган Циклосиверсиозид F, ацетил гуруҳи тутган гликозидлар ва улар ҳосилаларининг биологик фаоллигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар келтирилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда циклоартан қатори тритерпеноидлари тузилиши бўйича изланишларга ва биологик фаоллигини тадқиқ қилишга бўлган қизиқишлар ортиб бормоқда ва хорижий адабиётлар шарҳида кенг ёритилмоқда. Жумладан, хорижий олимлардан L.Verotta, El-Sebakhy ларнинг “Cycloartane and oleanane saponins from *Astragalus* sp.” ва N. A. Tian Z. ларнинг “Recent advances in natural bioactive cycloartane triterpenoids» шарҳларини келтириш мумкин. Шунингдек, Япония (Ё. Kitagawa, М. Hirokuni, М. Yoshikawa), Туркия (Е. Bedir), Хитой (Ү. Z. Zhu, Н. Wang), АҚШ (N.Tabanca), Россия (А.А. Семенов, А.С. Громова) ва бошқа олимларнинг тритерпен бирикмалар тўғрисидаги қатор мақолалари чоп этилган. Ҳозирги вақтга қадар 7 та оилага, 90 та туркумга мансуб бўлган ўсимликлардан тритерпеноидлар ва уларнинг гликозидлари ажратиб олинган.

Astragalus туркуми ўсимликларининг 93 та туридан умумий ҳисобда 236 та циклоартан қатори гликозидлари ажратиб олинган. Ўсимликларда ҳам эркин, ҳам гликозилланган ҳолда учрайдиган 53 та генинлар ҳақида маълумотлар келтирилган. *Astragalus* ўсимлигидан ажратиб олинган индивидуал моддаларнинг биологик фаоллигини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда циклоартанлар кимёси соҳасидаги изланишлар А.Н. Свечникова, Р.У. Умарова, М.Б. Горовиц, Н.К. Абубакиров каби олимларнинг мақолаларида, проф. М.И. Исаевнинг илмий шарҳларида шунингдек, фармакологлар тиб.ф.д., В.Н. Сыров, б.ф.д, З.А. Хушбақтова ва бошқаларнинг мақолаларида кенг ёритилган. Натижада *Astragalus* туркуми ўсимлигининг 30 дан ортиқ турлари тадқиқ қилинган. Тадқиқотчилар М. И. Исаев раҳбарлиги остида 160 дан ортиқ бирикмаларни ажратиб олганлар, улардан 76 таси янги. Ўзбекистон *Astragalus* туркуми ўсимлигининг циклоартан бирикмалари тузилиш тадқиқотлари бўйича дунёда пешқадамлик қилади. Фақат циклоартанлар кимёси ва физиологик фаоллиги бўйича илмий ишлар нашрлари сонига кўра Хитойдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Мазкур диссертация ишида *Astragalus* туркуми ўсимлигининг илгари ўрганилмаган турлари бўйича изланишлар олиб борилган. Ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий тузилиши янги ва тузилишига кўра хориж флораси ўсимликларидан ажратиб олинган моддалардан ва илмий адабиётларда нашр қилинганлардан фарқ қилади.

Дунё адабиётларида тритерпен бирикмаларининг кимёвий модификациясига бағишланган мақолалар деярли мавжуд эмас. Ушбу йўналишнинг ривожланшига к.ф.д. М.И. Исаев ва унинг шогирдлари асос яратдилар. Улар томонидан тўлиқ ва қисман синтез йўли орқали янги табиий биологик фаол бирикмалар олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Биринчи марта *A. alopecurus* ўсимлигидан ажратиб олинган циклоартанларнинг тузилиши спектрал усуллар билан аниқланган. Ушбу тузилишлар ишлаб чиқилган кимёвий модификация реакциялари усули билан тасдиқланган.

Биринчи марта ЎЗР ФА ЎМКИ фармакологлари томонидан *A. alopecurus* ва *A. orbiculatus* ўсимликларининг асосий гликозидлари, шунингдек улардан олинган ҳосилаларнинг биологик фаоллиги тадқиқ қилинди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий - тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг қуйидаги: № ФА-ФЗ-Т-044: «Маҳаллий флора ўсимликлари изопреноидлари ва микроорганизмлари: тузилиши, кимёвий модификацияси, биологик фаоллиги» (2007–2011 йй.); № 68–08: "Полифункционал циклоартан тритерпеноидларининг кимёвий модификацияси асослари" (2009–2010 йй.); № ФА-Ф6-Т-209: «Ўсимликлар гликозидлари ва генинлари ва микроорганизмлари: тузилиши, кимёвий модификацияси, биологик фаоллиги» (2012–2016 йй.); № ВА-ФА-Ф-7-009: «Ўзбекистон ўсимликларининг иккиламчи метаболитларини ўрганиш: кимёвий тузилиши, биологик фаоллиги ва хужайра технологиясини ишлаб чиқиш» (2017–2020 йй.) давлат фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари; № ФА-А12-Т-101:

«Циклосиверсиозида F кардиопротектор препаратини яратиш» (2009–2011 йй.) амалий лойиҳа ва № И-ФА-2019-27: “Циклосиверсиозид F – кардиопротектор препаратини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва маълумотларни фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига тайёрлаш” (2019 – 2021 йй.) инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Astragalus* туркуми ўсимликларининг тритерпеноидларини тадқиқ қилиш, метилстероидлар ва улар гликозидларининг кимёвий модификациясини амалга ошириш, ажратиб олинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- *Astragalus* туркуми ўсимлигининг баъзи турларидан тритерпеноидларни ажратиб олиш ва уларни индивидуал моддаларга ажратиш;

- янги тритерпен метилстероидлари ва уларнинг гликозидлари тузилишини аниқлаш ва маълум бирикмаларни идентификация қилиш;

- тритерпеноидлар тузилишини тасдиқлаш мақсадида кимёвий корреляция реакцияларини амалга ошириш;

- кимёвий модификация ва синтез қилиш йўли билан янги циклоартан каторидаги биологик фаол бирикмаларни олиш;

- ажратиб олинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги бўйича изланишлар олиб бориш;

- *Astragalus pteroccephalus* ўсимлигидан ажратиб олинган циклосиверсиозид F нинг фармакологик фаоллигини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти *Astragalus* туркуми ўсимлигининг баъзи бир турлари, генин ва гликозидларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети *Astragalus* туркуми ўсимлиги циклоартан метилстероидари ва гликозидларининг кимёвий тузилиши, циклоартанлар асосидаги синтезлар, ажратиб олинган гликозидларнинг биологик фаоллигидан иборат.

Тадқиқот усуллари.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги усуллар қўлланилган:

- ажратиб олиш ва тозалаш усуллари – колонкали хроматография, юпқа қаватли хроматография, экстракция усуллари;

- моддалар тузилишини аниқлаш усуллари – кимёвий (кислотали, ишқорий гидролиз, ацетиллаш ва оксидлаш), физик-кимёвий ва спектрал ^1H , ^{13}C ЯМР, ИК, масс-спектрометрия, ЯМР икки ўлчамли спектроскопия усуллари: COSY, TOCSY, ROESY, HMQC, HMBC.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- биринчи марта *Astragalus* туркуми ўсимлигининг *A. orbiculatus*, *A. alopecurus*, *A. pteroccephalus*, *A. pamirensis*, *A. kuhitangi*, *A. tragacantha*, *A. dissectus*, *A. pycnanthus*, *A. stipulosus*, *A. coluteocarpus*, *A. exilis*, *A. babatagi*, *A. leiosemius*, *A. turczaninowi* каби турларининг тритерпеноидлари тадқиқ

қилиниши натижасида 28 та янги бирикмалар ажратиб олинди ва кимёвий тузилишлари кимёвий ва физикавий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланган;

- биринчи марта *A. alopecurus* ўсимлигидан 8 та янги бирикмалар - циклоалпигенин А, В, С, ва циклоалпигенин, уларнинг гликозидлари – циклоалпиозид А, В, С ва циклоалпиозидлар ажратиб олинган;

- биринчи марта *A. orbiculatus* ўсимлигидан 5 та циклоартан қаторидаги циклоорбигенин А ва С, дигидроциклоорбигенин А, циклоорбикозид С ва D ҳамда 2 та ланостан қаторидаги тритерпеноидлар - орбигенин ва орбикозид ажратиб олинган;

- илк марта *A. pycnanthus* ўсимлигидан циклопикантогенин ва циклопикантозид бирикмалари ҳамда *A. exilis* ўсимлигидан циклоэксозид В моддаси ажратиб олинди ва улар кимёвий тузилишига кўра янги моддалар эканлиги аниқланган;

- *A. dissectus* ўсимлиги илдизидан ажратиб олинган циклодисектозид ва циклотрисектозид, шунингдек, *A. tragacantha* ўсимлигидан олинган циклокантозид F гликозидларининг кимёвий тузилиши тасдиқланган;

- олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра *Astragalus* туркуми ўсимликларии таркибида циклосиверсигенин гликозидлари кўп тарқалганлиги ва улар асосан илдиз қисмида тўпланиши аниқланган;

- циклоортан тритерпеноидларини кимёвий модификация реакцияларининг янги усули ишлаб чиқилди ва ушбу усул билан циклоалпегинон А, В ва С ларнинг кимёвий тузилиши тасдиқланган;

- биологик фаол моддалар олиш мақсадида циклопикантогенин ва троянозид А табиий бирикмаларининг тўлиқ ва қисман синтези усуллари ишлаб чиқилган;

- ажратиб олинган янги бирикмаларнинг биологик фаоллиги ўрганилиши натижасида астрагалозид VII ва циклоорбикозид С кардиотоник фаолликка эга эканлиги, циклоорбикозид G ва циклосиверсиозид А каламушлар миокарди метаболик жараёнларига ижобий таъсир этиши, циклоорбикозид С ва циклоорбикозид А ҳосилалари саратон хужайралари ўсимтасига қарши фаолликка эга эканлиги аниқланган;

- *A. pterocephalus* ўсимлигидан олинган циклосиверсиозид F нинг фармакологик изланишлари кардиопротектор фаолликка эга эканлигини кўрсатди ва унинг асосида метаболик таъсирга эга бўлган янги доривор препарат олиш тавсия этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- Ҳозирда кардиопротектор фаолликка эга бўлган циклосиверсиозид F гликозиди асосида, тиббиёт амалиётида кенг қўлланиладиган хорижий “Милдронат” препаратидан фармакологик фаоллиги бўйича қолишмайдиган янги доривор восита яратиш тавсия этилган;

- фармакологлар томонидан Циклосиверсиозид F доривор воситасининг тўлиқ клиник олди изланишлари ўтказилган. Препаратнинг токсик ва кумулятив эмаслиги, эмбриотоксик ва теротоген хоссаларга эга эмаслиги аниқланган;

• ЎзР ФА ЎМКИ тажриба - ишлаб чиқариш корхонаси шароитида Циклосиверсиозид F субстанциясини олиш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйидагилардан иборат:

• тадқиқот натижалари замонавий органик, биоорганик ва физикавий кимё усуллари билан олинган ва исботланган, спектр маълумотлари масс-спектрометрия, ИҚ, ^1H , ^{13}C ЯМР спектроскопия ускуналарида олинган;

• кимёвий реакциялар амалга оширилган, тажриба шартлари таҳлил қилинган ва қайта ишланган, олинган натижалар ва хулосалар циклоартан қатори тритерпеноидларини ажратиб олиш ва кимёвий тузилишини аниқлашга бағишланган назарий ишларнинг асосий ҳолатларига мос келади;

• олинган натижаларнинг ишончлилиги тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилиши ва уларни халқаро анжуманларда муҳокама қилиниши билан тасдиқланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

• *Astragalus* ўсимлиги баъзи турларининг циклоартан қатори метилстероидларини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар табиий бирикмалар кимёсини Ўзбекистонда ўсадиган ўсимликларнинг фитокимёвий таркиби ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитган.

• Ишлаб чиқилган янги кимёвий модификация усулларида органик синтез соҳасида кенг фойдаланиш имконияти яратилган.

• *Astragalus* туркуми ўсимлигининг тури хил турларидан ажратиб олинган ва биологик фаоллиги аниқланган циклосиверсиозид F ва A, астрагалозид VII, циклоорбикозид A, C ва G бирикмалари асосида келгусида янги доривор препаратларни яратиш имкониятини очиб беради.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Циклоартан қатори тритерпеноидлар кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини ўрганиш бўйича олиб борилган изланишларнинг илмий натижалари асосида:

• циклоорбикозид D нинг рентген тузилиш таҳлили (РТТ) тажрибалари Кембридж кристаллографик марказининг маълумотлар базасида депонирилган ва CCDC № 604459 тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Ушбу изланиш натижалари физикавий-кимё соҳаси ривожланишига хизмат қилади;

• циклоартанларнинг кимёвий модификацияси – тўлиқ ва қисман синтези натижасида янги табиий бирикмалар олиш ва олинган бирикмаларнинг фармакологик тадқиқот натижалари асосида келажакда доривор воситалар яратиш имконияти кўрсатиб берилган;

• мазкур диссертация иши маълумотларидан Туркиянинг Анадоли университетини фармацевтика факультети фармакогнозия кафедрасида лекция ва семинарларда шунингдек, магистрлик ва докторлик диссертациялари учун илмий-тадқиқот лойиҳаларда ҳамда университет қошидаги “Доривор ўсимликлар ва доривор воситалар илмий тадқиқот маркази”да фойдаланилган. Илмий маълумотлар асосида “Туркия ва Ўзбекистон флорасидаги Fabaceae ва Asteraceae оиласига мансуб қатор ўсимлик турларининг биологик фаоллигини тадқиқ қилиш” мавзусида

хамкорликдаги лойиҳа №119N631 тайёрланди ва TIBUTAK – Ўзбекистон ТИВ хамкорлик халқаро дастури бўйича (Туркиянинг илмий ва технологик тадқиқотлар кенгаши) жамғармасига тақдим этилган (Анадоли Университетининг 2021 йил 2 августдаги маълумотномаси);

- ажратиб олинган ва кимёвий тузилиши тасдиқланган янги бирикмалар Natural Compounds (Plant Sources, Structure and Properties Cycloartane Triterpenoids and Glycosides, Springer нашриёти) маълумотлар каталогида чоп этилган. Натижада, бошқа ўсимликлардан ажратиб олинган мазкур синф вакиллари тузилишини исботлаш ёки идентификация қилишда фойдаланиш имконини берган;

- тадқиқот натижаларига импакт-фактори юқори бўлган етакчи хорижий нашрларда 124 дан ортиқ ҳаволалар келтирилган жумладан, *J. of Inorganic biochemistry* (IF 3.212). 2011, 105(6). P. 887-893; *Phytochemistry review* (IF – 4.587), 2019, V.18, P. 1133–1166; *Studies in Natural Products Chemistry*, 2002, V. 27, P. 443-545 *Int. J.Mol. Sci.* 2009, 10(6), P.2440-2475(DOI: 10.3390/ijms10062440); *Food and Chemical Toxicology*. (DOI: 10.1016/j.fct.2009.12.004 PMID: 20026160) 48(3) P.781-788; *J.Chem. and biodiversity* (DOI: 10.1007/s11101-019-09626-y). 2013, 10(6), P.1004-1054 ва бошқа илмий журналлар. Бу олинган натижалардан чет эл олимлари ўзларининг табиий бирикмалар тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш борасида олиб бораётган илмий изланишларида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маърузалар кўринишида халқаро илмий симпозиум ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган: ACS нинг 210 халқаро анжумани (1998, АҚШ), “Доривор ўсимликлар ва бошқа табиий бирикмалар бўйича Осиё давлатлари симпозиуми”(2000, Бангладеш), “Табиий бирикмалар кимёси” бўйича халқаро симпозиум (1996, 2001, 2005 ва 2015 Туркия, 1998, Бухоро, 2003, 2007 ва 2010, Тошкент); “Табиий бирикмалар кимёсининг долзарб муаммолари” (2009, Тошкент), “Табиий бирикмалар кимёси ва биотехнологиянинг долзарб масалалари” Россия-Корея (2010, Россия), “Фармацевтика фани ва, илм ва ишлаб чиқариш” халқаро анжумани (2014, Қозғистон). «Циклосиверсиозид F кардипротектор воситаси» илмий ишланмасининг «INNO-WEEK-2020» халқаро ярмаркада тақдимоти.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 41 та илмий мақолалар чоп этилган жумладан, 31 таси – “Табиий бирикмалар кимёси” журналида, 4 таси – хорижий журналларда, 3 таси – МДХ давлатлари журналларида, 3 таси – маҳаллий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 189 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида циклоартан гликозидларининг асосий манбаи бўлган *Astragalus* туркуми ўсимликларини дунё флорасида

тарқалиши, циклоартанлар кимёсини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортганлиги ва кенг доирадаги биологик фаолликка эга бўлган қутбланган гликозидларнинг кашф этилиши ҳақида баён этилган. Мазкур синф вакиллари амалиётда кенг қўлланилиши тўғрисидаги малумотлар батафсил баён этилган.

Диссертант томонидан танлаб олинган мавзу республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижалар ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги асослаб берилган.

Циклоартан гликозидларининг кўпчилиги деярли захарли эмас ва кенг доирада биологик фаолликка: кардиотоник, гипохолестеринемик, антибластомик, контрацептик, седатив, гипотензив, диуритик, шамоллашга қарши, иммунитетни оширувчи ва интерферон индуцирловчи хусусиятларга эгадирлар. Бу эса уларни терапия амалиётида кенг қўллаш имкониятини беради. Муаллиф томонидан диссертация ишини бажариш учун амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар атрофлича баён этилган. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Циклоартан қатори тритерпеноидларининг модификацияси ва янги аналогларни олиш имкониятлари келтирилган. *Astragalus pterocephalus* ўсимлигидан ажратиб олинган Циклосиверсиозид F моддаси биологик синовлар ўтказилиши билан кардиопротектор фаолликка эга эканлиги аниқланганлиги ва ҳозирда мазкур препарат ишлаб чиқиладиганлиги айтиб ўтилган.

Диссертациянинг “**Циклоартанлар кимёси**” деб номланган биринчи боби асосан адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, циклоартан тритерпеноидлари, уларни ажратиб олиш, кимёвий тузилиш таҳлиллари жумладан гликозидни циклоартан қаторига мансублигини аниқлаш, генинни олиниши, кимёвий, спектрал хоссалари ва идентификация қилиш, гликозиднинг углевод таркибий қисмлари тузилишини аниқлаш, циклоартан гликозидлар таркибий қисмига кирган органик кислоталарни идентификация қилиш ва уларнинг жойлашишини аниқлаш юзасидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари баён этилган.

Шунингдек, шу кунга қадар олимлар томонидан циклоартан тритерпеноидларининг кимёвий модификацияси жумладан, кам қутбланган циклоартан тритерпеноидлари асосидаги синтезлар, қутбланган циклоартан тритерпеноидларининг кимёвий модификацияси, циклоартан гликозидлари - циклоорбикозид А, циклоалпиозид D ва циклоалпигенин D синтезларига бағишланган илмий изланиш натижалари асосланган ҳолда келтирилган.


Адабиётларда циклосиверсиозид F, унинг гликозил ва ацетил ҳосилаларининг биологик фаоллиги кенг ёритиб берилганлиги, ушбу гликозидларнинг биологик тадқиқотларига бағишланган ишлар салмоқли эканлиги, *Astragalus* туркуми ўсимликлари циклоартан қаторининг биологик фаоллиги тўғрисидаги маълумотлар қатор шарҳларда келтирилганлиги айтиб ўтилган.

Диссертациянинг “Натижаларнинг муҳокамаси” деб номланган иккинчи боби бевосита диссертант томонидан *A. alopecurus*, *A. orbiculatus*, *A. pycnanthus*, *A. exilis*, *A. dissectus*, *A. tragacantha* ўсимликларининг циклоартан метилстероидлари ва гликозидларини ўрганиш бўйича олиб борган илмий изланишлар муҳокамасига бағишланган.

Astragalus alopecurus ўсимлиги тузилишига кўра турлича бўлган циклоартан тритерпеноидларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўсимликнинг ер устки қисмидан 10 та циклоартан тритерпеноидлари ажратиб олинди ва уларнинг тузилиши исбот қилинди.

Циклоалпигенин А (1) нинг ПМР-спектрида δ 0.36 ва 0.70 ларда юқори майдонда, АВ тизимининг ССЎТК $^2J=4$ Гц га тенг бўлган, изолирланган циклопропан метилени ва еттита метил сигналларини тавсифловчи иккита бир протонли дублет сигналлари кузатилади, бу эса уни циклоартан тритерпеноидлар қаторига киритиш имконини берди. Шунингдек, циклоалпигенин А ни ЯМР ^{13}C спектрида тўртламчи углерод атоми ва метилен углерод атомларининг δ 19.99, 28.14 даги сигналлари ҳам 9,19-уч аъзолик халқага хос эканлигини кўрсатади. Генин **1** нинг ИҚ-спектрида 3040 см^{-1} да циклопропан халқасининг CH_2 -гурухини валент тебранишига тегишли бўлган ютилиш чизиқлари кузатилади. (Барча қолган бирикмаларнинг ўрганилаётган қаторга тегишлилигини аниқлаш айни шу тарзда амалга оширилган). Циклоалпигенин А нинг масс-спектрида циклосиверсигенин (**1a**) га каби генин **1** нинг ён занжирида 20,24-эпокси-25-гидроксифункцияси мавжудлигидан далолат берувчи m/z 143 ион чўққиси аниқланди. Буни гениннинг ПМР спектрда Н-24 га тегишли бўлган бир протонли триплет ва ЯМР ^{13}C спектрда ён занжирдаги С-20-С-27 атомларининг кимёвий силжиш кўрсаткичлари ҳам кўришиб турибди. Гениннинг ИҚ-спектрида ОН-гурухи ва олти аъзоли циклик кетоннинг ютилиш чизиқлари мавжуд. Кетон карбонилининг мавжудлигини углерод атомининг ЯМР ^{13}C спектрдаги сигнали тасдиқлайди.

Гениннинг ПМР спектрида иккиламчи табиатга эга эканлигини тасдиқловчи, гидроксил гурухига геминал бўлган протонлар намоён бўлади С-12 даги кето гурухи Циклоалпигенин А нинг ПМР ва масс спектридаги электрон урилишнинг баъзи кўрсаткичларига таъсир кўрсатади.



1-расм. Циклоалпигенин А(1) ва циклоалпиозид А (5)

Генин **1** нинг ПМР спектрида Н-17 даги сигнал квисвагенин ва циклосиверсигенинларга нисбатан етарли даражада паст майдонга силжийди. Бу эса кўриб чиқиладиган протонни кето гурухи билан С-12 да γ -гош ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Демак, циклоалпигенин А бирикмаси 20R,24S-эпоксициклоартан-3 β ,16 β ,25-триол-12-он тузилишига эгадир.

Циклоалпиозид А (6) нинг кислотали гидролизи циклоалпигенин А (**1**) деб идентификация қилинган генин ҳосил бўлишига олиб келди. Гидролизатнинг углеводли қисмида қоғоз хроматографияси билан D-ксилоза борлиги аниқланди. ГСХ таҳлили циклоалпиозид А таркибида битта молекула D-ксилоза мавжуд эканлигини кўрсатди.

Циклоалпигенин А ва циклоалпиозид А(**6**) ларни ЯМР ^{13}C спектрларини қийслаш тадқиқотлари натижасида гликозид спектрида С-3 сигналининг қуйи майдонга силжиши ва β -D-ксилопираноза қолдигининг ушбу углерод атомида бирлашган жойи аниқланди. D-ксилоза қолдигининг аномер протони дублет кўринишида кузатилади. Шунинг учун пентоза пираноза шаклга, $^4\text{C}_1$ -конформация ва конфигурацияга эга. Шунга асосан, циклоалпиозид А - 3-O- β -D-ксилопиранозид-20R,24S-эпоксициклоартан-3 β ,16 β ,25-триол-12-он тузилишга эга эканлиги аниқланди.


Циклоалпигенин В (2) С-17 - С-20 боғларининг узилиши натижасида ҳосил бўлган максимал m/z 143 ион чўққиси $\text{C}_8\text{H}_{15}\text{O}_2$ ён занжирга тегишли эканлигидан далолат беради. ПМР спектрида Н-24 нинг триплет сигнали кузатилади. ЯМР ^{13}C спектри натижалари циклоалпигенин А ва В ён занжирларининг тузилиши бир бирига яқинлигидан далолат беради.

Кислород атомининг биттаси С-25 даги учламчи гидроксил гурухи таркибига киради, бошқаси ён занжирда эпоксид халқа ҳосил қилади, қолган учтаси иккиламчи ОН-гурухини ташкил этади ва молекуланинг полициклик қисмида жойлашади. Генин **2** нинг ПМР спектрида гидроксил гурухларига геминал бўлган протонларнинг сигналлари кузатилади, икки ўлчамли спектрида иккиламчи карбинол углерод атомларининг сигналлари билан мос тушади. Охиргисининг кимёвий силжиш кўрсаткичи, мультиплетлиги ва ССЎТК $3\alpha\text{-H}$ ва $16\alpha\text{-H}$ лар билан мос келади. Ушбу маълумотлар молекулада α -гликол тизими мавжуд эмаслигидан далолат беради.

Генин **2** нинг ПМР-спектрида С-12 даги гидроксил гурухига геминал бўлган протонга тегишли эканлиги, унинг β -аксиал ориентациясини, бу эса гидроксил гурухининг α -ориентациясини аниқлаб беради. Н-17 сигналининг циклосиверсигенинга нисбатан, кўриб чиқиладиган протоннинг С-12 даги ўхшаш ориентацияли гидроксил гурухи билан γ -гош ўзаро таъсири натижасида қуйи майдонга силжиши кузатилди. Бу каби ўзаро таъсирлар Н-17 ва С-12 даги кето гурухи ўртасида ҳам юзага келади. Циклоалпигенин В (2-расм) С-20–С-24 углерод атомларининг кимёвий силжиш кўрсаткичи 20R,24S-эпоксициклоартан-16 β ,25-диолниқидан фарқ қилади.

Ўз навбатида айни шу ўсимликдан ажратиб олинган циклоалпигенин А (**1**) ва D (**5**) лар 20R,24S-стерео кимёвий тузилишга эгадирлар. Циклоалпигенин В нинг стероид қисми 3 β ,12 α ,16 β -гидроксил гурухларини ўз ичига олади. Циклоалпигенин В дан циклоалпигенин А ни олиниши бирикма

2 нинг ўрнатилган кимёвий тузилишини тасдиқлайди. Демак, циклоалпигенин В 20R,24S-эпоксициклоартан-3β,12α,16β,25-тетраол тузилишга эга.



2 - расм. Циклоалпигенин С(3) ва В(2) ларнинг кимёвий реакциялари

Циклоалпиозид В (7) ни кислотали гидролизи натижасида циклоалпигенин В олинди. ГСХ услуги билан циклоалпиозид В таркибида битта D-ксилоза молекуласи мавжудлиги аниқланди. С-3 даги боғланиш жойи Циклоалпиозид А га ўхшаш равишда аниқланди.

Циклоалпигенин С (3) ни пиридинда сирка ангидриди билан ацетиллаб моноацетат 3a ва диацетат 3b олинди. Генин 3, 3a ва 3b ацетил ҳосилаларнинг масс-спектрида m/z 143 да С-17 – С-20 боғларнинг узилиши натижасида ҳосил бўладиган максимал ион чўққичи кузатилади.

Циклоалпигенин В ва С ларни С-20 - С-25 углерод атомлари кимёвий силжиш кўрсаткичларининг яқинлиги, бирикмалардаги С-20 ва С-24 хирал атомлари ўхшаш стерео кимёвий тузилишга эга эканлигидан далолат беради. Демак, циклоалпигенин С нинг ён занжири 20R,24S-эпокси-25-ол тузилишга эга ва учта кислород атоми молекуланинг полициклик қисмидаги гидроксил гурухларини ташкил этади.

Генин 3 ПМР спектрида гидроксил гурухларига геминал бўлган учта ўзаро боғланмаган протон сигналларининг мавжудлиги охирги модданинг иккиламчи табиатга эга эканлигидан далолат беради.. Генин 3 нинг ПМР-спектрида протоннинг сигнали, ацетат 3a ва 3b ларнинг спектрида қуйи майдонга силжиши кузатилади. Циклоалпигенин С ЯМР спектрида карбинол углерод атоми сигналининг мавжудлиги ҳам, молекулада 3β-гидроксил гурухи борлигидан далолат беради. Ацетат 3a циклоалпигенин С нинг 3-моноацетати бўлиб, 16α-Н га хосдир. Демак, бошқа иккиламчи ОН-гурухи С-16 да жойлашган ва β-ориентацияга эга (2- расм).


Диацетатни Джонс бўйича оксидланиши натижасида (3c) ва (2b) бирикмалар ҳосил бўлди. Кето ҳосила 2b спектрал кўрсаткичлари бўйича Циклоалпигенин В дан диацетат 2a орқали олинган маҳсулотга ўхшашдир.

Демак, циклоалпигенин С ҳам С-12 да ОН-гурухини тутати. Кето хосилани **2b** циклоалпигенин В ва С лардан олиниши, циклоалпигенин С да $3\beta,16\beta$ -ОН гурухи мавжуд ва ён занжири 20R,24S-стереокимёвий тузилишга эга деган хулосани тасдиқлайди. Бирикмаларнинг тузилиши ўртасидаги фарқ уларнинг стереокимёвий тузилишида, яъни циклоалпигенин В ва С лар С-12 бўйича хирал марказга эпитермидирлар. Циклоалпигенин В нинг С-12 даги ОН-гурухи α -конфигурацияга эга бўлганлиги сабабли, циклоалпигенин С β -ориентацияга эга бўлиши керак. **3c** нинг масс-спектрида m/z 143 ион чўққиси мавжуд эмас ва максимал ион чўққиси m/z 99 да кузатилади. Мазкур ион 25-норциклоартан-20,24-олид фрагментацияси натижасида ҳосил бўлади.

Бирикма **3** ва **2** ларнинг ЯМР ^1H ва ^{13}C спектрларида Н-12 ва С-12 ларнинг кимёвий силжиш кўрсаткичларининг бир бирига яқинлиги, С халқани конформацион хусусиятига боғлиқдир. С-12 хирал марказининг стереокимёвий тузилишини аниқлаш учун 12α -ОН-гурухини Н-17 билан γ -гош ўзаро таъсирининг қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Циклоалпигенин В ПМР спектрида 12α -ОН-гурухининг дезэкранини таъсири натижасида Н-17 сигнали, С-12 қайтар стереокимёвий тузилишга эга бўлган генин **3** нинг ушбу протонига нисбатан қуйи майдонда намоён бўлади.

Циклоалпиозид С (8) 3-О- β -D-ксилопиранозид-20R,24S-эпоксициклоартан- $3\beta,12\beta,16\beta,25$ -тетраолдир (2- расм).

Циклоалпигенин (4) нинг ЯМР ^1H ва ^{13}C спектрлари sp^2 -гибридланиш мавжуд эмаслигидан далолат беради, элемент таркибидан, учта кислород атоми гидроксил гурухи таркибига кириши, қолган иккитаси – эпоксид халқасини ҳосил қилиши кераклиги келиб чиқади. Генин **4** нинг ЯМР ^{13}C спектрида аномер углерод атоми синглет сигналининг мавжудлиги, эпоксид халқаси кетал тизимдан иборат эканлигини кўрсатади. Циклоалпигениннинг (3-расм) масс-спектрида m/z 143 да 20,24-эпоксициклоартан-25-ол сингари *a* ионининг максимал чўққиси кузатилди. Аммо, бирикма **4** нинг ЯМР ^1H спектрида Н-24 сигнали мавжуд эмас. Шунинг учун С-24 аномер углерод атомидан иборат ва битта ОН-гурухи С-25 да жойлашган. Буни учламчи карбинол углерод атомининг δ 72.83 даги сигнали ва масс-спектрда С-24 - С-25 боғларнинг узилиши натижасида ҳосил бўлган m/z 429 даги *b* иони чўққиси ва изооксиизопротил фрагментининг элиминирланиши кўрсатади. m/z 143 ионининг ҳосил бўлиши 20,24-эпоксифункция мавжуд бўлишидан дарак беради. Демак, эпоксифункциялардан бири С-24 кетал углерод атомини С-20 атоми билан боғлайди.




3- расм. Циклоалпигенин (4) ва циклоалпиозид (9)

Н-17 парчаланишининг дублет характери С-16 да 16α -Н га тегишли бўлган кислород атоми мавжуд эканлигини кўрсатади. Ушбу сигнал айнан ён занжири 20,24-эпокси-25-ол (5) тузилишга эга бўлган циклоартанларга нисбатан юқори майдонга силжиган.

Эпоксид гурухи орқали кетал углерод атоми билан боғланган иккинчи атом С-16 бўлиб, унинг сигнали циклоалпигенин D (5) га нисбатан қуйи майдонга силжийди. Генин 4 нинг ЯМР ^1H спектрида гидроксил гурухига геминал бўлган иккита протон сигналлари кузатилади. Кимёвий силжиш кўрсаткичи ва дублетлар дублетининг ССЎТК $3\alpha\text{-H}$ га хос ва ОН-гурухи β -ориентация билан С-3 да жойлашган. С-3 карбинол атоми 3β -гидроксил гурухи мавжудлигини тасдиқлайди. Н-3 нинг мультиплетлиги α -гликол гурухланиш мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун дублетларнинг триплети В халқанинг С-7 α да жойлашган протонга тегишлидир. Демак, гидроксил гурухи В халқанинг С-7 да жойлашган ва β -конфигурацияга эга. Циклоалпиозид (9) нинг (3 - расм) кислотали гидролиз маҳсулоти таркибида D-ксилоза аниқланди. ГСХ услуги билан гликозид монозид эканлиги аниқланди.

Astragalus orbiculatus ўсимлигининг циклоартан ва ланостан қаторидаги тритерпен генин ва гликозидлари. *A. orbiculatus* ўсимлиги ер устки қисмининг метанолли экстракти таркибида бешта циклоартан ва иккита ланостан қаторига мансуб бирикмалар аниқланган.

Циклоорбигенин А (12) нинг ПМР спектрида Н-23 ва Н-24 га тегишли бўлган мос равишда бир протонли дублет ва синглет кузатилади.



4- расм. Циклоорбигенин А

Ушбу маълумотлар генин 12 масс-спектрида *a* иони максимал чўққиси m/z 411 билан биргаликда, генин циклоорбигенин ва циклоорбигенин В сингари ён занжирга эга эканлигини кўрсатади. *a* иони изооксиизопропил фрагментининг элиминирланишида С-21 - С-25 боғнинг узилиши натижасида ҳосил бўлади. С-16 кетал углерод атоми, кетал кислород атомлари билан боғланган С-23, С-24 даги углерод атомларининг сигналлари кузатилади ва хирал марказлари стерео кимёвий тузилиши циклоорбигенин ва циклоорбигенин В ларга ўхшаш эканлигидан далолат беради.


$\text{C}_{30}\text{H}_{46}\text{O}_4$ гениннинг элемент таркибидан, иккита кислород атоми кетал тизимини ташкил этиши, биттаси С-25 даги учламчи гидроксил гурухи таркибига киради ва молекулада битта қўш боғ бўлиши кераклиги келиб чиқади. ЯМР ^{13}C спектрда иккиламчи карбинол углерод атоми сигналининг мавжудлиги, тўртинчи кислород атоми С-3 да β -ориентирланган ОН-гурухини ҳосил қилишини кўрсатади. Бунинг тасдиғи эса гениннинг ПМР спектрида С-3 протонга тегишли бўлган бир протонли дублетларнинг дублетидир. sp^2 -гибридланган углерод атомларининг кимёвий силжиш кўрсаткичлари икки алмашинган π -боғи борлигини тасдиқлайди.

